


Орзу қилиш



20:37 / 14.07.2017 6870

878. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир кеча уйқулари қочди. Шунда у зот:

«Саҳобаларимдан бир солиҳ киши келиб, мени кечаси қўриқлаб турса эди», дедилар.

Бироздан сўнг ташқаридан қуролнинг овози эшитилди. Шунда у зот:

«Ким у?» дедилар.

«Саъд», дейилди.

«Саъд: «Эй Аллоҳнинг Расули! Сизни қўриқлагани келдим», деди. Шундан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйқуга кетдилар. Ҳаттоки у зотнинг хурракларини эшитдик».

Шарҳ: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир нарсани истаган эканлар, Аллоҳ таоло дарҳол умидларини рўёбга чиқариб, бу ишни улуф саҳобалардан бири – Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳунинг кўнгилларига солибди. У киши ҳеч ким айтмаса ҳам, ярим тунда тўғри Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эшиклари олдига келиб,

қўриқчилик қила бошлабдилар.

Демак, бирор яхши ишни орзу қилиш, буни фақат Аллоҳ субҳанаҳу ва таолонинг Ўзидан сўраш жоиз экан. Аллоҳ таоло Ўз изни билан бу орзунини рўёбга чиқарар экан.

Ушбу ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг орзу-истаклари Роббул оламинга тезда етиб бориши ва тезда рўёбга чиқишининг намунасини кўриб турибмиз.

Айни пайтда қўриқчиликка келган буюк саҳобий – Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳунинг фазлларини ҳам кўриб турибмиз. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Бир солиҳ киши келса эди», деганларида, бу шарафга айнан шу саҳоба сазовор бўлдилар.

Бу ҳадис Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳу ҳақидаги китобларда ҳам албатта келтирилади.

Ушбу ривоятда зикр қилинган ҳодисадан кейин Аллоҳ таоло Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Моида сурасидаги қуйидаги ояти каримани нозил қилган:

«Эй Расул! Сенга Роббингдан нозил қилинган нарсани етказ. Агар шундай қилмасанг, Унинг элчилигини етказмаган бўласан. Аллоҳ сени одамлардан сақлар. Албатта, Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят қилмас».

Бу ояти карима Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга хитоб бўлиб, Аллоҳ таоло у зотга ҳар қандай шароитда, одамларнинг қабул этиши-этмаслигига қарамай, даъват қилавериш лозимлигини буюрмоқда:

«Эй Расул! Сенга Роббингдан нозил қилинган нарсани етказ».

Зотан, расуллик вазифаси ўзи шундан иборат. Бошқа оятларда одамларга Аллоҳ таолодан нозил қилинган нарсани қандай етказишнинг таълими ҳам берилган. Жумладан, ҳикмат ва яхши мавъизалар билан етказиш таълими. Демак, нима қилиб бўлса ҳам, Аллоҳдан нозил қилинган нарсани етказиш вазифаси мавжуд.

«Агар шундай қилмасанг, Унинг элчилигини етказмаган бўласан».

Яъни, агар Роббингдан нозил қилинган нарсани етказмасанг, Аллоҳнинг Расули (элчиси) вазифасини адо этмаган бўласан. Аммо етказиш осон иш эмас.

«Аллоҳ сени одамлардан сақлар».

Уларнинг ёмонликларидан асрайди. Ривоятларда келишича, ушбу ояти карима нозил бўлишидан олдин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг турар жойларини саҳобалардан баъзилари қўриқлаб туришар эди.

Уламоларимиз Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан бошқа саҳобалар ҳам қўриқлаганлари, жумладан, уларнинг ичида Саъд ибн Муъоз, Муҳаммад ибн Маслама, Зубайр ибн Авом, Абу Айюб Ансорий, Заквон ибн Абдул Қайс каби саҳобалар ҳам бўлганини таъкидлайдилар.

Ушбу ояти карима нозил бўлгандан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларида чикиб:

«Сизлар бораверинглар, Аллоҳ Ўзи мени сақлайдиган бўлди», деганлар.

Қуръоннинг мўъжизалигининг тасдиғига қарангки, шундан сўнг у зотга ҳеч ким катта зарар етказа олмаган.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Одоблар ҳазинаси китобидан)